

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИ ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Покистон Ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Президент сайловида ишончли галабага эришилгани билан самимий қутлаб, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири икки томонлама ҳамкорликда барқарор ривожланиш тенденцияси кузатилаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Жорий йил июль ойида ўтган Тошкент саммити давомидаги самарали учрашувлар кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон муносабатларини аниқ мазмун билан бойитиб, стратегик шерик-

лик даражасига кўтаришга хизмат қилди.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари ортаётгани, икки мамлакат етакчи компанияларининг саноат кооперацияси кўлами кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Инвестиция, банк-молия, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Афғонистонда вужудга келаятган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишга кўмаклашиш мақсадида халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани қайд этилди.

Ў.А.

ТОШКЕНТДА ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛГАН «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — УЗОҚНИ КЎРА БИЛАДИГАН ДАВЛАТ АРБОБИ» НОМЛИ КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Покистонда нашр этилган «Шавкат Мирзиёев — узоқни кўра биладиган давлат ароби» ("H.E. Shavkat Mirziyoyev a visionary statesman") тахлилий мақолалар тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.

Исломободдаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази томонидан Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган китобга Покистоннинг таниқли экспертлари, олимлари ҳамда ёш тадқиқотчилари томонидан ёзилган 14 та тахлилий мақола киритилган.

Тадбирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиков сўзга чиқиб, ушбу китобнинг нашр этилиши Покистон ижтимоий-сиёсий ва эксперт-тахлил доиралари вакиллари ҳамда дунё ҳамжамиятининг янги Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ифода қилганини таъкидлади. Янги тўплам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик ўзгаришлар натижалари, давлатимиз раҳбарининг конструктив ташқи сиёсати, минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга молик гоаялари, жумладан, Тошкентда Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий ўзаро боғлиқлиги мавзусига бағишланган халқаро конференцияда илгари сурган 10 та ташаббуси мазмун-моҳиятига бағишланган.

Тошкентда Ўзбекистон Президентини сайловда халқаро кузатувчи сифатида бўлиб турган Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Ҳолид Ақром тахлилий мақолалар китобини тақдим этар экан, Покистон

кенг жамоатчилиги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик сиёсатига катта қизиқиш ва чуқур эҳтиром билан муносабатда экани ҳамда уни чуқур ўрганаётганини таъкидлади.

Ҳолид Ақромнинг мазкур тўпламга киритилган "Илим-фан, маданият ва гуманитар алмашинувларни кенгайтириш: Президент Шавкат Мирзиёевнинг юқори аҳамиятга эга тақлифи" ("Expansion of Scientific, Cultural, and Humanitarian Exchanges: A Great Proposal by His Excellency President Shavkat Mirziyoyev") сарлавхали мақоласида Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги маданият-гуманитар ҳамда академик алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек, минтақавий интеграция жараёнини жадаллаштириш бўйича минтақавий ва халқаро ташаббуслари мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.

Китобнинг биринчи қисми "Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёевнинг изчил раҳбарлиги даврида" ("Uzbekistan under the dynamic leadership of His Excellency President Shavkat Mirziyoyev") деб номланган, жамият ҳаётининг турли жабхаларида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларнинг натижаларини акс эттирувчи бешта тахлилий материалдан ташкил толган.

Халқаро кузатувчилар: САЙЛОВДАГИ ФАОЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ КЎРСАТАДИ



Мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови очик ва шаффоқ, демократикнинг барча тамойилларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Бунинг халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлардан келган кузатувчилар алоҳида эътироф эътипти.

Олий Мажлис Сенати раҳбарияти айни пайтда юртимизда бўлиб турган нуфузли халқаро ташкилотлар миссиялари ҳамда хорижий кузатувчилар билан учрашувлар ўтказди.

ҲОЛИД АҚРОМ:

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЛИДЕРИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ

Покистон Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Ҳолид Ақром билан сайлов жараёнлари қандай ўтгани ва унинг натижалари ҳақида сўхбатлашдик.

— Сайловни кузатиш давомида сизнинг қалбингиздан қандай фикрлар кечди?

— Сайлов кунини Тошкент шаҳридаги ўнлаб сайлов участкаларида бўлдим. Ҳар бир участкада карантин талабларига қатъий риоя этилгани эътиборимни тортган муҳим жиҳат бўлди. Участкага кириб келаятган одам ким бўлишидан қатъий назар, яъни сайловчи бўлмасам ҳам кўллари зарарсизлан-тирилиб, янги ниқоб тақдим этилди. Ҳар бир участкада тиббиёт ходимлари бор эди. Ҳатто тиббиёт хоналари ҳам очиб қўйилган. Бу биз, кузатувчиларнинг ҳам ўзимизни хавфсиз сезишимизга, сайловни бемалол кузатишимизга замин бўлди.

Сайловни кузатиш асносида халқнинг юқори даражадаги ҳамжиҳатлиги яққол кўзга ташланди. Айниқса, овоз бераётганлар орасида ёшларни кўпроқ учратдим. Ўз мамлакатидоги сиёсий воқеаликка бефарқ бўлмаган ёшлар борлиги — бу жуда катта омад. Ахир улар келажак эгаси, эртанги кунни бунёд этувчилар. Улар онгли ва фаол бўлса, юртининг келажаги шунга яраша яхши бўлиши муқаррар.

— Сайлов жараёнларида қонунларга зид бўлган ёки сизни ранжитган ҳолатлар юз бердимми?

— Бундан олдин 8 давлатда сайлов жараёнларида кузатувчи бўлиб иштирок этганман. Биласизми, ушбу сайловдек тартибли ва аҳоли жуда фаол қатнашган жараённи кўрмаганман, десам, ишонмаверинг.

Кузатувчи сифатидаги фаолиятим давомида ўзим каби турли давлатлардан келган кузатувчилар билан ҳам кўп мулоқот қилдим. Мен уларнинг фикрлари билан қизиқдим, мен кўрмаётган бирор ноҳиллик бормикин, деб. Фақат яхши фикрлар эшитдим.

— Стратегик тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва Покистон муносабатларида қандай баҳо беради?

— Покистон ва Ўзбекистон халқлари қадимдан яқин дўст бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари кейинги йилларда жуда ривожланди. Бу давлатларимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракати ва фаоллиги туйғулди.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловда ишончли галабага

эришган, Ўзбекистоннинг Президентини сифатида сайловда Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз номидан чин дилдан табриқлайман.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, биз Шавкат Мирзиёевни ўтган беш йиллик Президентлик даврида олиб борилган кенг миқёсда ишлари учун Марказий Осиё лидери, деб биламиз.

Покистонда айнан шу мавзуда китоб ҳам нашр қилганмиз. Бу китобда Покистоннинг энг етуқ сиёсатчилари, олимлари, тадқиқотчиларининг Мирзиёев фаолияти ҳақидаги фикрлари, илмий изланишлари, Ўзбекистон ва Покистон муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари, икки мамлакат ҳамкорлик истиқболлари ҳақида кенг фикр юритилган.

Ўйлаётганим, янги сайланган Президент Шавкат Мирзиёев ўтган беш йилда нафақат мамлакат, балки Марказий Осиё, ҳатто Осиё минтақасида олиб борилиши керак бўлган кенг миқёсда ишлар бўйича катта гоя ва ташаббусларни илгари сурган бўлса, эндиликда уларни амалга оширишга киришади. Мен бу йўлда Жаноби олийларига куч-қувват ва омад тилайман!

Ў.А. мухбири Норгул АБДУРАИМОВА сўхбатлашди.

ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси раиси Маргарета Седерфельт бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот аввалида Н. Исмоилов Маргарета Седерфельтнинг Парламент Ассамблеяси раиси лавозимига сайлангани билан самимий қутлаб, унга муваффақият тилади.

Юқори мартабали меҳмонларга бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча жабхасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти хусусида ба-тафсил маълумот тақдим этилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламентининг қонунчилик фаолияти, норма ижодкорлиги, қўмита ва фракциялари иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берилди.



Учрашувда қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ЕХТ билан Марказий Осиёда хавфсизлик, трансмиллий тадқиқотлар қириш курашиши, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш каби масалалар бўйича алоқаларни мустақамламоқда.

Ўз навбатида, Маргарета Седерфельт самимий учрашув учун миннатдорлик билдириб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, доимий равишда мулоқот олиб бориш муҳимлиги бу бошқа йўналишлардаги ҳамкорликнинг кенгайтиришга асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Сўхбат давомида юртимизда бўлиб ўтган сайлов жараёни юқори савияда ташкил

қилингани, аҳолининг сиёсий маданияти юксалиб бораётгани, хусусан, илк бор овоз бераётган ёшларга кичик соғалар кузатилиши таъкидлаб ўтилди. Айниқса, жисмоний имконияти чеklangан сайловчиларга яратилаётган шароитлар эътиборга молик экани қайд этилди.

Конструктив ва амалий руҳда кечган мулоқотда Олий Мажлисининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси билан алоқаларини янада мустақамлаш, бунинг учун муштарак мақсадлар йўлидаги куч-айратини бирлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши бўйича чора-тадбирлар режасининг 2, 3 ва 6-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

ОҒИР ИЖТМОИЙ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚОЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНЗИЛЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда қўмита аъзолари оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг манзилли қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтиришга қаратилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ САЙЛОВДА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИ ТАНЛАШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БУНЁД ҚИЛИШ БЎЙИЧА БОШЛАНГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИНИ ИХТИЁР ЭТДИ»

Ўзбекистон Президенти сайловида иштирок этган халқаро кузатувчилар ушбу сиёсий тадбир яққол ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Дунё нигоҳи

Меҳнат Сейфеттин Эрол, Анкаро Инқироз ва сиёсат тахлилий маркази директори:



— 24 октябрь куни бўлиб ўтган сайловда янги Ўзбекистон етакчиси, амалдаги Президент Шавкат Мирзиёев гўлиб чиқди. Ўзбек халқи сайловда Шавкат Мирзиёевни танлаш орқали янги Ўзбекистонни бунёд қилиш бўйича бошлан-

ган саъй-ҳаракатларнинг давом эттирилишини ихтиёр этди.

Бу натижа тасодифми? Албатта, йўқ!

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 — 2021 йилларда ички ва ташқи сиёсатдаги муваффақиятли фаолияти, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган лойиҳалари, минтақа тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда туган ўрни унинг кучли раҳбар эканини исботлади.

Ўзбекистон халқи ўз танловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида амал-

га оширди. Сайловчиларнинг Шавкат Мирзиёевга юксак ишончи ҳамда унинг қайта сайланиши сўнги беш йилда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар муваффақиятининг тасдиғидир.

Буни нафақат ўзбек халқи, балки минтақа давлатлари, дунёнинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари, шунингдек, сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда. Евроосиё геосиёсатининг ўзгаришчан бугунги жараёнида минтақанинг юраги бўлган Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон халқини Президент сайловида инсонпарвар ва халқини номзод галаба қозонгани билан самимий табриқлаймиз. Туркий дунёнинг кучли сиёсий иродага эга бўлган давлат арбобларидан бири — Шавкат Мирзиёевни халқ ишончли қозонгани билан муборакбод этамиз ва келгуси ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Бенедек Пери, Венгриядан халқаро кузатувчи, Будапештдаги Этвощ Лоранд университети ҳуқуқшиноси Шарқшунослик институти директори:

— Янги Ўзбекистон 2021 йилда Президент сайловини ўтказиш орқали тараққиётнинг муҳим босқичига кўтарилди. Мамлакатимизнинг, шунингдек, давлат раҳбари раҳнамолигида сўнги беш йилда амалга оширилган ислохотлар натижаларига ҳам ўз муносабатини билдирди.

Шажар ва қишлоқлар бўйлаб кўзга ташланган "Президент сайлови — келажак танлови" ёзувли улкан баннерлар, бошқа кўпжа панно ва ахборот-тарғиб воситалари сайловнинг аҳамиятини ҳар бир сайловчи-га етказишга хизмат қилди, муҳим сиёсий тадбирга фуқаролар эътиборини жалб этди. Сайловчилар мамлакат келажаги учун ўз масъулиятини англаган



ҳолда муносиб номзодга овоз берди.

Дам олиш кунини бўлишига қарамай, соат 11.00 да сайлов участкаларида овоз бериш 15 фоиз, айрим жойларда эса 30 фоиздан ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов участкалари аъзолари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш йўлида катта ҳажмдаги ишларни

амалга оширди, бу жараёнда кўпжа ташаббуслар билан чиқди. Айрим жойларда илк бор овоз бераётган ёшларга кичик соғалар тақдим қилинган бўлса, бошқа жойларда ёшлар ватанпарварлик қўшиқларини куйлади, она Ватан ва она тилини мадҳ этувчи шеърлар ўқиди. Сайлов участкасида овоз бериб чиқаётганларга "Мен овоз бердим, сизчи?" сўзлари битилган нишонлар тақиб қўйилганига гувоҳ бўлдим.

Ижтимоий тармоқларда кўпжа муаллифлар сайловда иштирок этгани ҳақидаги постларни ўқидим. Шунингдек, "Мен овозимни юртин келажаги учун бердим", "Ўз овозим билан янги Ўзбекистоннинг янги саҳифасини очишга ҳисса қўшдим" мазмундаги сайловда фаол иштирок этишга ундовчи постлар жойлаштирилгани ҳам самарали бўлди, деб ҳисоблайман.

2-саҳифага қаранг.



«ЎЗБЕК ХАЛҚИ САЙЛОВДА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИ ТАНЛАШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БУЊЕД ҚИЛИШ БЎЙИЧА БОШЛАНГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШINI ИХТИЁР ЭТДИ»



Кайрат Маматов, Қирғизистон сайлов ва референдумлар Марказий комиссияси аъзоси, Шанхай ҳамкорлик ташкилати Кузатувчилар миссияси аъзоси:

— Ўзбекистон Президенти сайловини кузатишда Қирғизистондан 43 нафар кузатувчи иштирок этди. Биз нафақат пойтахт ва бошқа шаҳарлар, балки Қирғизистон билан chegaradosхудудларда ҳам бўлдик. Шунинг алоҳида таъкидлашчи ишларимиз, миллий сайлов қонунчилигининг халқро стандартларга мувофиқлиги барча тоифадаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш имконини берди. Келажакка қўйилган катта қадам — бу Сайловчиларнинг ягона электрон реестри жорий этилгани бўлди. Бу сайлов жараёнида максимал даражадаги иштироки таъминланди. Бунда фуқароларнинг тақрири овоз бериш ҳолатларининг олди олинди. Қонунчиликнинг кодификацияси сайлов жараёни субъектлари ва унинг иштирокчилари учун кўпроқ имкониятлар яратди.

Пандемия даврида сайлов ўтказиш жуда қийинлигини барчамиз яхши тушунамиз. Бироқ Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси сайловнинг юқори даражада ўтиши учун барча зарур чорани кўрди.

Мамлакат томонидан тақлиф қилинган мингта яқин халқро кузатувчилар сайлов кампанияси ва овоз бериш жараёнининг очик ҳамда ошқорра ўтганини таъкидламоқда.

Фаррух Жумаев, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши кузатувчилари миссияси аъзоси, Туркий кенгашнинг лойиҳалар бўйича директори:

— Миссиямиз 21 октябрь кунини ўз ичига бошлади. Сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишлари, сиёсий партиялардан Президентликка номзодларнинг дастурлари билан танишдик, партиялар вакиллари билан учрашдик, уларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари учун берилган имкониятлар ҳақидаги фикрларини ўргандик.

Сайловни муносиб тарзда ўтказиш учун яратилган шарт-шароитларнинг гувоҳи бўлдик. Сайлов доирасидаги барча жараён ошқорра ва очик ўтказилди. Овоз бериш кунини икки гуруҳга бўлинган ҳолда, 30 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлдик.

Сайловчиларнинг кўтаринки қайфиятига, мамлакат ҳаётидаги муҳим



сиёсий воқеада фаол иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик. Мамлакат фуқароларининг 80 фоиздан ортиси сайловда қатнашгани жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бу менинг назаримда, аҳрли ҳаёти яшланганандан, халқ ҳуқумат ишидан қониқайганидан далолат беради.

Сергей Рачков, Беларусь Миллий Ассамблеяси кенгашининг Халқро ишлар ва Миллий хавфсизлик масалалари доимий қўмитаси раиси:



— Биз Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлидик, нафақат овоз бериш кунини, балки тайёргарлик жараёнида кўплаб сайлов участкалари фаолияти билан танишдик. Бир кун олдин сайлов участкаларининг тайёргарлигини кўриш биз учун жуда фойдали бўлди. Шунинг айтиш жоизки, МСҚ сайлов жараёнига жиддий тайёрланган. Ишлаб чиқилган барча ҳужжатларда норматив-ҳуқуқий жиҳатдан камчиликлар қузатилмади. Учаска сайлов комиссияларининг тайёргарлиги ҳам жуда юқори бўлди.

Овоз бериш кунини турли сайлов участкаларида бўлиб, сайловчиларнинг юксак фаолигини кузатдим. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг сезиларли даражада мукамаллашганини кўрдик. Масалан, авваллари оилавий овоз бериш ҳолатлари қузатиларди. Бироқ МСҚ сайловчиларнинг электрон рўйхатини шакллантиргани учун бу сафар бунга йўл қўйилмади.

Яна бир жиҳат — рақамлаштириш жараёни ривожлантирилган. Барча участкалар компьютерлаштирилган ва сайловни электрон бошқариш тизимидан фойдаланилаётганини кўрдим. Менимча, сайлов участкаларида видеоназоратни амалга ошириш жуда тўғри бўлди. Бу қўрилмалар жараёнини аниқ ташкил қилишга ёрдам берди.

Сайлов эркин шароитда ўтди, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини мустақил ифода этиши учун барча шарт-шароит яратилди, деган хулосага келдик.

Жаффри Сайид Халид Амр, Покистондаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази президенти, халқро кузатувчи:



Айниқса, зарур ҳолларда уйда овоз бериш имконини берадиган махус сайлов қутилари ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. Тўғриси, яна қаерда бундай амалиёт борлигини билмайман. Бу сайловда барчага бир хил эътибор қаратилаётганининг тасдиғидир.

Сайловларга ёшларнинг муносабати ҳам менга ёқди. Улар ўз қизиқилишини кўрсатди. Кекса авлод ҳам анча фаол қатнашди. Мен ёши улуг онахон билан суҳбатлашши имкониятига эга бўлдим. У ўз мамлакатини учун энг яхши танловни амалга оширганини билдирди.

Елена Булдакова, Италиядаги «Planet 360 info» халқро ахборот портали асосчиси ва боз муҳаррири, МДХ Парламентларо Ассамблеяси кузатувчиси:

— Ўзбекистоннинг Римдаги элчихонаси жуда гавжум бўлди. Бу ерда мамлакат Президенти сайловида овоз бериш учун Италиянинг турли минтақаларидан Ўзбекистон фуқаролари келганини кўриш мумкин эди. Мен МДХ ПА халқро кузатувчиси миссиясини амалга оширдим.

16-сайлов участкаси фаолияти юқори даражада ташкил этилди.

Сайловчиларнинг ўзларини қулай қилиш қилиши учун барча жиҳат ҳисобга олинган. Сайлов участкасига йўналиш белгилари, номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақидаги ахборот баннерлари, имконияти чекланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш, профилактика чоралари кўриш шулур жумласидандир. Ва энг қимматли нарса — ҳар бир сайловгоҳа самимий муносабатда бўлиди.

Бугунги кузатувларимнинг энг ёқимли таассуротларидан бири — бу ёшларнинг сайлов жараёнида фаол қатнашаётганидир. Одатда сайлов тажрибаси ёшга қараб ортиб боради, дейишди. Лекин бугунги ёшларнинг ташкилотчилигини кўриб, стереотиплар ўзгараётганига гувоҳ бўлдим.

Элчихонада ўтказган бир неча соат давомида кўз олдимда «Ёш сайловчилар кунини» деб номланган сурат пайдо бўлди.

20 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар вакиллари (асосан, Италия университетларининг талабалари ва аспирантлари) ўз мамлакатларининг жамоат ва сиёсий ҳаётида иштирок этиш муҳимлигини тушунишни амалда кўрсатди. Уларнинг аксарияти ўқийдиган сўнг анча Ватанига қайтиб, унинг тараққиётига ҳиссасини қўиши ниятида эканини билдирди.

«Дунё» АА.

Халқро кузатувчилар:

САЙЛОВДАГИ ФАОЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА БЎЛГАН ИШОНЧINI КЎРСАТАДИ

Олий Мажлиснинг парламентларо алоқани кенгайтириш борасидаги фаоллиги ошмоқда

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилати Парламент Ассамблеяси раиси Маргарета Седерфельт билан учрашди.

Мулоқотда қайд этилганидек, илк марта ЕХХТ Панинг 100 га яқин аъзоларидан иборат делегация сайлов жараёнини кузатиш борди. Бу хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга қизиқиши юқорилигидан далолат беради.

М. Седерфельт таъкидлаганидек, бу гаги сайлов ЕХХТ, ДИИХБ ва Венеция комиссияси тавсиялари таъкид этилган Сайлов кодексига мувофиқ бўлиб ўтди.

Ўз навбатида, сайлов жараёнига юқори баҳо берилиб, сиёсий таъдбирлар фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини мустақил ифода этиши учун барча шароит яратилгани ҳамда унда ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол қатнашгани, бу эса сайлов жараёни очик ва ошқорра ўтишини таъминлагани алоҳида айтиб ўтилди.

Учрашувда Ўзбекистон парламенти ва ЕХХТ ПА ўртасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари, шунингдек, иқтисодиёт, экология, ёшлар масалалари ва гендер тенглик каби йўналишлардаги ўзаро алоқалар кенг муҳома қилинди.

Эътироф этилганидек, охириги йилларда Олий Мажлиснинг ташки сиёсат, парламентларо алоқаларини кенгайтириш борасида фаоллиги ошмоқда. Бунинг Ўзбекистон парламенти ЕХХТ институтлари билан прагматик ҳамда конструктив ҳамкорлиқни амалга ошириб келаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, учрашувда ЕХХТ Панинг 2023 йилдаги мажлисларидан биринчи ёшлар, гендер тенглик ва экологик барқарорлик мавзусига бағишлаш ҳамда уни Тошкент шаҳрида ўтказиш тақлифи билдирилди.

Аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича салмоқли ишлар қилинаётир

Шу кунини Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоеванинг «Европа хотин-қизлар

лоббиси» Италия мувофиқлаштирувчи қўмитаси президенти М. Ботарелли билан учрашуви бўлиб ўтди.

Меҳмон Ўзбекистонга кўп мартаба келгани ҳамда бу гаги сайлов демократик тарзда, очик-ошқорра ўтказилганини қайд этди. Унинг фикрича, сайлов участкаларида барча шарт-шароит яратилган, сайловчиларнинг юқори даражадаги иштироки эса Ўзбекистонда сайловолди кампаниясининг яхши ташкил этилганидан дарак беради.

Сайлов қонунчилиги илгор хорижий ва халқро тажриба асосида ислох қилинган, шунингдек, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун устуворлиги ва гендер тенгликни таъминлашда ўтган 5 йил давомида катта ўзгаришлар амалга оширилгани, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер-ҳуқуқий экстертизадан ўтказиш жорий этилгани таъкидланди.

Мулоқотда аёлларнинг жамиятдаги ролини мустақамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани манмуният билан қайд этилди. Айни чоғда мамлакат парламенти фаолиятида ҳам хотин-қизлар муҳим ўрин тутмоқда. Бугун парламентдаги аёллар сонини 32 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз дунёнинг 190 давлати орасида 45-ўринни эгаллаб турибди.

Шунингдек, учрашув давомида минтақавий ҳамкорлик платформаси — Ўзбекистон бу йил раислик қилаётган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти ҳамда ушбу тузилма доирасида хотин-қизлар ҳуқуқлари ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ўзасидан ўтказилаётган бир қатор тадбирлар хусусида атрафлича маълумот берилди. Шунингдек, Италия ва Европадаги бошқа мамлакатларнинг шу каби бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Томонлар қатор масалаларда ҳамкорлик қилишга келиши олди

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси, баронесса Алисон Сатти билан учрашди.

А. Саттининг таъкидлашича, Президент

сайловида келган халқро кузатувчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган тув ислохотларнинг амалий натижаларига гувоҳ бўлди. Сайловнинг ўзи ҳам юқори савияда ўтди, фуқароларнинг ушбу сиёсий жараёнда фаол қатнашганлиги, айниқса, эътиборга молик.

Учрашувда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорлигининг долзарб масалалари ҳам муҳомама этилди.

Томонлар гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқалиши, миграция, терроризм, экстремизм ва одам савдосига қарши кураш бўйича ҳамкорлиқни йўлга қўйишга келишиб олди.

Шунингдек, мулоқот давомида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги муносабатини янада мустақамлаш ўзасидан фикр алмашилди.

Овоз бериш жараёнида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари қузатилмади

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шўҳрат Чўлғиев Испания Конгрессининг собиқ депутати Хосе Мария Чикийо билан учрашди.

Меҳмон мамлакатимизда Президент сайлови муваффақиятли ўтганини таъкидлаб экан, овоз бериш кунини Самарқанддаги сайлов участкаларида аксарияти ёшлардан иборат сайловчиларнинг фаоллигига гувоҳ бўлганини, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этганлигини маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, овоз бериш жараёнида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари қузатилмаган. Марказий сайлов комиссияси томонидан киритилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати асосида ҳар бир фуқаро сайлов участкасига келиб, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Хосе Мария Чикийо Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо бериб, мамлакат тув ижобий ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий либераллашув жараёнини изчиллик билан босиб ўтаётганини таъкидлади.

Учрашувда парламентларо алоқалар-

ни ривожлантириш, таълим, иқтисодиёт, туризм ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Президент сайловида халқро кузатувчи сифатида иштирок этган Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли аъзолари Умарализода Мақсудали Умарали, Раҳмон Дилшод Сафарбек билан учрашди.

Сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Президент сайловида халқро кузатувчи сифатида иштирок этган Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли аъзолари Умарализода Мақсудали Умарали, Раҳмон Дилшод Сафарбек билан учрашди.

Меҳмонлар мамлакатимизда сайловга пухта тайёргарлик қўрилгани, айниқса, сайловчиларнинг юқори даражадаги ҳабардорлиги мазкур сиёсий тадбирни демократик тамойиллар асосида ўтказишда муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлашди. Уларнинг фикрича, овоз бериш жараёнида барча тоифадаги фуқаролар — кексалар, ногиронлиги бўлганлар, тиббиёт муассасаларида даволанаётган шахсларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминлангани эътиборга молик. Айни чоғда пандемия шароитидан келиб чиқиб, сайлов участкаларида карантин қоидаларига тўла амал қилинди.

Ўз навбатида, Б. Сайфуллаев мамлакатимизда сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш ҳамда барча соҳада рўёбга чиқарилаётган ислохотлар хусусида батафсил маълумот бериб ўтди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама, шу жумладан, парламентларо алоқаларни ривожлантиришда ижобий динамика аққол кўзга ташланаётгани таъкидланди. Дўстлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини янада қучуқлатириш, амалий алоқалар самарадорлигини оширишнинг муҳим механизмларидан бири бўлган икки мамлакат парламенти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик ва парламент тадқиқотлари муаммолари институти ҳамда Тожикистондаги тегишли парламент институти ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш тақлифи билдирилди.

Учрашувда, шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни мустақамлаш масалалари ҳам муҳомама қилинди.

«Халқ сўзи».

ТОШКЕНТАДА ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛГАН «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — УЗОҚНИ КЎРА БИЛАДИГАН ДАВЛАТ АРБОБИ» НОМЛИ КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

«Ўзбекистон ташқи сиёсати йўналишлари» («Uzbekistan's foreign policy contours») деб номланган иккинчи қисмда мамлакатимизнинг минтақавий ва халқро муносабатлардаги мавқеи, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ўзаро манфаатли кўп томонлама янги ташаббусларнинг аҳамияти, шунингдек, янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мақсадларига бағишланган учта таҳлилий мақола ўрин олган.

Китобнинг «Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг буюк ташаббуси» («Central Asia and South Asia Regional Connectivity: Great initiative by His Excellency President Shavkat Mirziyoyev») деб номланган учинчи қисми Ўзбекистон раҳбари томонидан жорий йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқро конференцияда минтақавий ўзаро боғлиқлик алоқаларини мустақамлашга

қаратилган ташаббусларига бағишланган.

Китобда жамланган материаллар бундан аввалроқ Покистоннинг «Islamabad Post», «Diplomatic News Agency», «Centreline», «National Herald Tribune» каби етакчи газета ва журналлари, уларнинг веб-сайтлари, таҳлил марказларининг махус рисолаларида чоп этилган.

«Дунё» АА.

ЯРАТИЛГАН КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР САЙЛОВЧИЛАРНИ ФАОЛЛИККА УНДАДИ



Яқшанба кунини юртимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумэътирофдаги қоидалар ҳамда демократик андозаларга мослиги билан алоҳида ажралиб турди. Бунинг сайловни қузатиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган халқро ташкилотлар миссиялари ҳамда хорижий давлатлар кузатувчилари ҳам эътироф этмоқда.

Фикр

Шу боис бу ҳақда такроран тўхталмоқчи эмасмиз, айни ўринда биз сайлов жараёнида фуқаролар учун яратилган шарт-шароитлар ва қулайликлар хусусида фикр билдирмоқчимиз.

Эътибор қилган бўлсангиз, халқро ва хорижлик кузатувчиларнинг аксарияти битта фикрни жуда кўп такрорлашапти. У ҳам бўлса, сайловда ёш қари бирдек фаол қатнашгани билан боғлиқ. Таҳлил қилинса, фуқароларнинг бунчаллик фаоллашуви ўз-ўзидан бўлиб қолмагани, бу уларга барча шароит ва қулайлик яратиб берилгани самараси эканини аён бўлади.

Хўш, сўз юритилаётган қулайликлар нималардан иборат?

Энг аввало, Конституциямизга киритилган ўзгаришга мувофиқ, сайлов вақти қаҳратон қишдан октябрь ойига, ҳаво ҳали унчалик совиб кетмаган пайтга қўйилганлигини айтиш жоиз. Бир қарашда, бу унчалик муҳим эмасдек бўлиб кўринар, ammo ҳар бир киши учун изгирин совуқда сайлов участкасига боришдан кўра, ҳозиргидек қулай об-

ҳавода бориб келиш ўнғайлигини ҳеч ким инкор этолмаслиги аниқ. Айниқса, ёши улуг отахон ва онахонлар учун бу айни муддао бўлди, десак, ҳақиқат. Зеро, жойларда бўлганимизда, кўплаб юрдошларимиз буни бот-бот эътироф этганини гувоҳига айландик.

Яна бир катта қулайлик — сайлов жараёнига юқори ахборот-коммуникация ҳамда рақамли технологиялар кенг жорий этилганидир. Бунинг натижасида сайловчилар ҳар бир номзоднинг таржимаи ҳолидан тортиб, уларнинг Сайловолди дастурига атрафлича танишиш ва пироваддада ўз номзодини танлаш имконига эга бўлди. Қолаверса, ҳар бир сайловчи ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот олиш имкони яратилди.

Бу ишларнинг мантйик давоми сифатида Сайловчилар ягона электрон рўйхати, «Сайлов — 2021» мобил иловаси йўлга қўйилганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Имконияти чекланган шахсларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириши учун етарлича шароитлар яратилганлиги ҳам

тахсинга лойиқ ишлардан. Хусусан, уларга алоҳида кабиналар ажратилди, кириш ва чиқиш жойларида пандуслар жойлаштирилди, кўриш имконияти чекланган шахслар учун Брайль алифбосидаги бюллетень трафарети етказиб берилди. Сайлов кунини шифохонада даволанаётган юрдошларимиз ҳам ёддан чиққани йўқ.

Қолаверса, ҳозирги пандемия шароитидан келиб чиққан ҳолда барча участкада сайловга масъул бир номзоднинг таржимаи ҳолидан тортиб, уларнинг Сайловолди дастурига атрафлича танишиш ва пироваддада ўз номзодини танлаш имконига эга бўлди. Қолаверса, ҳар бир сайловчи ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот олиш имкони яратилди.

Умуман, Президент сайловини юқори савияда, очик ва ошқоралик руҳида ўтказдик. Бунда биз юқорида айтиб ўтган омиллар, яъни сайловчилар учун яратиб берилган шарт-шароит ва қулайликлар ҳам муҳим роль ўйнагани, юрдошларимизни сайлов жараёнида фаолликка ундагани, шубҳасиз.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Унга кўра, Жиноят-процессуал кодексларига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда. Хусусан, вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ёшини ўн уч ёшдан ўн тўрт ёшга кўтариш белгиланмоқда. Чунки жиноий жавобгарликнинг энг кичик ёшини белгилашда боланинг руҳий ҳамда ақлий ривожланиши ва албатта, унинг манфаатларини инобатга олиш лозим.

Шунингдек, мазкур ҳужжатга асосан вояга етмаганларнинг жинсий дахслзликка қарши жиноятлар, хусусан, ЖКнинг 128 ва 129-моддалари санкцияларини кучайтириш назарда тутилди. Боиси вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, шу жумладан, болаларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар каби салбий ҳолатлар ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, белгиланган жазо чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш мақсадида вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш (кун давомида) саккиз соатдан тўрт соатга туширилмоқда. Қолаверса, вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда вояга етмаган шахсининг ёки унинг қонуний вақилининг илтимоси қўра психолог иштирок этиши билан боғлиқ янги нормалар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда миллий қонунчиликни халқро стандартларга мувофиқлаштириш имконини беради.

Йигилишда халқ вакиллари томонидан лойиҳани янада тақомиллаштириш бўйича берилган қатор тақлиф ва тавсиялар қонун лойиҳасида ўз аксини топадиган бўлди.

ОГИР ИЖТИМОЙ АҲВОЛГА ТУШИБ ҚўЛАН ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНЗИЛЛИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАНАДИ

Қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ киритилган бўлиб, ушбу ҳужжат билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларнинг ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Лойиҳа билан фуқаролар йиғини маҳалла ҳудудида таъзия ва зўравонлик қилган ёки қилишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан олиб бори-

ладиган профилактика ишларида иштирок этиши белгиланмоқда. Қолаверса, ме

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИГИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ШХТнинг Тошкент шаҳрида жойлашган Террорчиликка қарши кураш бўйича минтақавий тузилмаси ижроия қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг 2021-2022 йиллар ичидаги ташкилотга раислигида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишлари тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдиротда ШХТга аъзо давлатлар миллий координакторлари, ОАВ ходимлари ва экспертлар катнашди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Душанбе саммитида қосилган маърузасининг асосий йўналишлари, шунингдек, мазкур дастурий маърузадан келиб чиқиб белгиланган устувор вазифалар ва мамлакатнинг ташкилотдаги раислигида амалга оширилаётган тадбирлари рўйхати билан таништирилди.

Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбеда бўлиб ўтган саммитида ушбу нуфузли

ташкilotга раислик қилиш 2021-2022 йиллар мобайнида Ўзбекистонга ўтиши ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ШХТга раислик қилишининг бир қанча устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғайрат Фозилор иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида амалга оширилаётган 80 дан ортиқ тадбирларни ўтказиш режалаштирилаётганини маълум қилди. Давлат раҳбарлари

кенгашининг мажлиси, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Хавфсизлик кенгаши котибларининг учрашувлари, ихтисослашган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг маслаҳатлашувлари, иқтисодий форум, ҳудудлар раҳбарлари форумлари ва бошқа бир қанча тадбирлар шулар жумласидандир.

Учрашувда алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон ШХТ Хартияси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ташкилотга раислик қилади ва биринчи навбатда, аъзо давлатлар халқларининг ҳаёт кечирishi сифатини ошириш, фаровонлигини юксалтириш ҳамда тараққиётнинг изчил динамикасини таъминлаш мақсадида тенглик, яқин қўшничилик, манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган "Шанхай руҳи" тамойилларини мустақамлашга қаратади.

— Ўзбекистон бир йил давомида Евроосий минтақасида энг таъсирчан бўлган халқаро ташкилотларнинг бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилади, бу биз учун жуда катта масъулият, — деди Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ишлари бўйича миллий координатори Раҳматулла Нуриимбетов. — Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора ортиб бораётган обрўси ушбу аъзо давлатлар билан сўнгги беш йил ичида кенгайиб бораётган ишончли ҳамкорлиги натижасидир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ташкилотда муваффақиятли раислик қилиши учун мустақам замин бўлади.

Бу гун илк бор Ўзбекистоннинг ШХТга раислигидаги биринчи тадбири бошланди. Энг аввало, шуни таъкидлашим мумкинки, тадбирда иштирок этаётган барча делегация раҳбарлари, элчилар, миллий координаторлар, халқимизни бўлиб ўтган катта сиёсий жараён — Президент сайлови натижалари билан кутлашди. Шунингдек, ташкилотга аъзо барча давлатлар Ўзбекистон раислигида Президент томонидан илгари сурилган устувор йўналишлар ҳамда вазифаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдиришди.

ШХТ миллий координакторларининг илк йиғилиши Қорақалпоғистон ҳудудида бўлиб ўтди. Бундан мақсад делегация аъзоларини охириги беш йилда Ўзбекистоннинг олис ҳудудларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва ўзгаришлар натижалари билан таништиришдир. Уйлаймани, мана шундай ёндашув, дипломатика сиёсий ва маданий нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ташкилотга раҳбарлик қилишидаги муваффақиятини таъминлайди, — деди Р. Нуриимбетов.

Сандмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири.

Қишга тайёргарлик

Кейинги йилларда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ етказиб бериш жараёнида муайян ишлар кўзга ташланмоқда. Айни кунларда "Hududgaz Toshkent" жамоаси ҳам 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони асосида куз-қиш мавсумида аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш ишларига жиддий киришган. Ваҳоланки, яқин-яқингача соҳада йиғилиб қолган муаммо ва камчиликлар сабабли аҳолини қиш кунларида суюлтирилган газ билан муттасил таъминлаш имконияти мавжуд эмасди. Шу боис Тошкент вилоятининг чекка қишлоқлари, тоғолди ва тоғли ҳудудларидаги хонадон эгалари турмуш шароитини яхшилаш мақсадида "Hududgaz Toshkent" жамоаси бир қатор муаммоларни бартараф этмоқда.

«РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛДАГИ ИСБОТИ

Бу жараён "Hududgazta'minot" АЖ томонидан журналист ва блогерлар учун ўтказилган пресс-турда "Қуйи Чирчиқ газ тўлдириш шохобчаси" ва "Янгийўлтумангаз" жамоалари фаолияти мисолида кўриб чиқилди.

— Худуд аҳолисига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган бу шохобчалар бугунги кунда замонавий газ тўлдириш ускуналари билан жиҳозланди, — дейди "Hududgaz Toshkent" ГТФ директори ўринбосари Акмал Йўлдошев. — Маҳаллабай ишлаш тизими орқали уйма-уй юриби, 297 та маҳалладаги муаммолар ўрганиб чиқилди. Айни кунларда 44 минг 531 нафар истеъмолчига суюлтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилди. Хатловларга қўра, 2021 йил октябрь — декабрь ойларида аҳолига 1967,990 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган. Бунда вилоятдаги газ таъминоти бўлими томонидан чекка қишлоқлар, шунингдек, тоғолди ва тоғли ҳудудлар-

рига ишончсизлик кайфияти шаклланди. Фармонда белгилаб берилган аниқ топширилган ижроси, хусусан, суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб беришда автоматлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши бу каби муаммоларни бартараф этди. ID-карталари истеъмолчининг ўз ҳисоб рақамига тўлиқ эгаллик қилиш ҳуқуқини яратди. Яъни истеъмолчи ўзига кулай вақтда ва ихтиёрий тўлов турлари орқали зарур бўлган пул маблағини тўлаш ҳамда маҳсулот етказиб берилгандагина ушбу ID-карта орқали тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Бар-кодли стикерлар эса маийш газ баллонлари ҳаракатини тўлиқ назорат қилишга олиб келди. Бу ушбу орқали қайси газ баллон истеъмолчида, қайсиниси газ тўлдириш шохобчасида ёки синов марказида эканини, шунингдек, қайси йил қўштирноқ ичидаги тадбиркорнинг ноқонуний фойдаланишида турганини онлайн режимда кузатиш имконини яратди. Дастурнинг яна бир қулайлиги шундаки, истеъмолчига етказиб бериладиган маийш баллондаги 20 кг. суюлтирилган газга 22 минг 400 сўмдан қатъий ҳарид нархи белгиланди. Бу, албатта, суюлтирилган газ нархини сунъий оширишга йўл қўймайди. Қолаверса, мазкур хизмат туфайли ҳар бир истеъмолчига ўз вақтида ва белгиланган миқдордаги газ баллонга етказиб берилмоқда. Айни чоғда айрим "уддабурун"ларнинг қинғир йўл орқали аҳолига аталган суюлтирилган газни талон-тороқ қилишга чек қўйилди. Умуман олганда, "Hududgaz Toshkent" ГТФда жорий этилган янги тизим тўлиқ муваффақият билан ишлашга йўналтирилган. Бу босқичма-босқич дастурий таъминотни ривожлантиришга олиб келади ҳамда давлат органларининг ихтиёрий электрон базалари билан интеграция қилиш имкониятини яратди. Ҳозирда ушбу тизимни узлуксиз ишлатиш мақсадида туну кун фаолият олиб бораётган Call-марказ ташкил этилган бўлиб, жойлардаги 1 минг 500 нафарга яқин дастурдан фойдаланувчи ходимларга хизмат қилимоқда.



рига ишончсизлик кайфияти шаклланди. Фармонда белгилаб берилган аниқ топширилган ижроси, хусусан, суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб беришда автоматлаштирилган тизимнинг жорий қилиниши бу каби муаммоларни бартараф этди. ID-карталари истеъмолчининг ўз ҳисоб рақамига тўлиқ эгаллик қилиш ҳуқуқини яратди. Яъни истеъмолчи ўзига кулай вақтда ва ихтиёрий тўлов турлари орқали зарур бўлган пул маблағини тўлаш ҳамда маҳсулот етказиб берилгандагина ушбу ID-карта орқали тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Бар-кодли стикерлар эса маийш газ баллонлари ҳаракатини тўлиқ назорат қилишга олиб келди. Бу ушбу орқали қайси газ баллон истеъмолчида, қайсиниси газ тўлдириш шохобчасида ёки синов марказида эканини, шунингдек, қайси йил қўштирноқ ичидаги тадбиркорнинг ноқонуний фойдаланишида турганини онлайн режимда кузатиш имконини яратди. Дастурнинг яна бир қулайлиги шундаки, истеъмолчига етказиб бериладиган маийш баллондаги 20 кг. суюлтирилган газга 22 минг 400 сўмдан қатъий ҳарид нархи белгиланди. Бу, албатта, суюлтирилган газ нархини сунъий оширишга йўл қўймайди. Қолаверса, мазкур хизмат туфайли ҳар бир истеъмолчига ўз вақтида ва белгиланган миқдордаги газ баллонга етказиб берилмоқда. Айни чоғда айрим "уддабурун"ларнинг қинғир йўл орқали аҳолига аталган суюлтирилган газни талон-тороқ қилишга чек қўйилди. Умуман олганда, "Hududgaz Toshkent" ГТФда жорий этилган янги тизим тўлиқ муваффақият билан ишлашга йўналтирилган. Бу босқичма-босқич дастурий таъминотни ривожлантиришга олиб келади ҳамда давлат органларининг ихтиёрий электрон базалари билан интеграция қилиш имкониятини яратди. Ҳозирда ушбу тизимни узлуксиз ишлатиш мақсадида туну кун фаолият олиб бораётган Call-марказ ташкил этилган бўлиб, жойлардаги 1 минг 500 нафарга яқин дастурдан фойдаланувчи ходимларга хизмат қилимоқда.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

Таълим тизимини ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари ўқувчилар учун тенг шарт-шароит яратиш билан боғлиқ жараёнлар орқали характерланади. Бу борада нафақат таълим олувчининг моддий турмуш тарзи, балки унинг жисмоний ва руҳий имкониятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, ушбу йўналишда имконияти чекланган шахсларга ўқувни ташкил қилишда тегишли шарт-шароит яратиш талаб этилади.

Мазкур жараён ривожини ўзда узлуксиз — мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим билан боғлиқ босқичларни

Нуктаи назар

Тизимнинг Ўзбекистонда ривожланиши

Ўзбекистонда инклюзив таълимни такомиллаштириш жараёни босқичли тизимга эга. Президентимизнинг "Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимини инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси ушбу босқичнинг асосий бўлиши белгиланди. 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимини инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"га:

— алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумий ўрта ва профессионал ўқув муассасаларига юборишга имкон беришчи тегишли курсатмалар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

— ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари учун касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш ва сертификат бериш тартибини ишлаб чиқиш;

— олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларни классификаторида "Дефектология" таълим йўналиши ўрнига "Махсус педагогика" таълим йўналишини киритиш;

— алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар билан оладиган ўқув муассасаларини махсус адабиётлар ва методик-қўлланмалар билан таъминлаш жараёнлари билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган. Булар Ўзбекистонда инклюзив таълимни такомиллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини мустақамлашга йўналтирилганлиги билан мумкин, албатта. Аммо бу йўналишни ривожлантиришда таълимнинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ жараёнларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Шунингдек, жамиятнинг таълимнинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ жараёнларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, ушбу йўналишда имконияти чекланган шахсларга ўқувни ташкил қилишда тегишли шарт-шароит яратиш талаб этилади.

ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

қамраб олганлиги сабабли инклюзив таълимда тизимли алгоритмни вужудга келтириш керак.

Хар бир мамлакатда инклюзив таълим тизими ўша ерда мавжуд аъзолар, ҳуқуқ-одат ва ҳукмрон қадриятлар асосида шаклланади. Шунингдек, турли халқларнинг менталитети ҳамда ўқув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчилик жабҳаси бу борадаги устувор йўналишни йўлга қўйишга самарали таъсир кўрсатади. Шу маънода, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қилаётган меъёрий-ҳуқуқий механизмнинг ролини алоҳида қайд этиш ўринлидир.



Хориж давлатлари таълим тизими

Европа мамлакатлари, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда ушбу соҳа тараққиёти ижтимоий характер касб этади. Масалан, Германияда инклюзив таълим шароитидаги талабаларнинг маълум қисми аралаш тарзда оддий аудиторияларда таҳсил олади. Бироқ уларда индивидуал ўқув жараёни билан боғлиқ ҳолатлар ҳам сақланган бўлиб, ўқиб пайтада зарур тегишли ёрдам олиш ва нўқсонларни тузатиш имкониятига эга бўлади.

Олий таълимда эса жами талабаларнинг ўртача 4 — 8 фоизи ногиронлиги бўлган талабалардир. Германия қонунчилигида мувофиқ ногиронлиги бўлган талабалар, қўндалик ҳаёт учун зарур ҳисобланган махсус техник ва ёрдамчи воситалар билан таъминланади. Уларга доимий тарзда давлат ижтимоий хизматлари орқали ижтимоий ва тегишли ёрдам қўлсатиб берилади. Ногиронлиги бўлган талабалар ота-оналарнинг даромадлари ўртача даромаддан юқори бўлса, улар мазкур харажатларнинг маълум қисмини тўлашлари шарт. Хар бир университетда консалтинг хизматлари ёки бюрорлар тармоғи мавжуд бўлиб, у ерда талабага барча зарур таълим ва ташкилий

масалаларда ёрдам берилади. Ҳар бир мамлакатда инклюзив таълим тизими ўша ерда мавжуд аъзолар, ҳуқуқ-одат ва ҳукмрон қадриятлар асосида шаклланади. Шунингдек, турли халқларнинг менталитети ҳамда ўқув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчилик жабҳаси бу борадаги устувор йўналишни йўлга қўйишга самарали таъсир кўрсатади.

Америка Қўшма Штатларида инклюзив таълим узок вақтдан бери одатий ўқув тизимига киритилган. У ерда таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари болаларнинг барча тоифалари учун мажбурий қилиб белгиланган. Шу маънода билан ақли заиф ва эшитиш нўқсонлари бўлган ўқувчилар учун аудиториялар яратилди. Америкалик олимларнинг илгор психологик ва педагогик концепциялари махсус педагогикада катта қатламни ташкил эта-

ди ва инклюзив таълимнинг асоси ҳисобланади. 1973 йилда АҚШ Конгресси Колумбия округи таълимидан қабул қилиб, ногиронлиги бўлганларни ўқитиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди (кейинчалик у ногиронлик бўйича таълим тўғрисидаги қонун деб ўзгартирилди), у маҳаллий мактаб тизимини махсус таълим олиш учун зарур маблағ ажратишни назарда тутади. Қўшма Штатларда ақлий заифлиги аниқланган ўқувчиларнинг 30 фоизи бошқа болалардан алоҳида ўқийди. Ақли заиф ногиронлиги бор ўқувчилар учун қисман инклюзив формат шакллантирилган. АҚШ олий ўқув тизимини инклюзив таълим технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти университетларда ногиронлиги бўлганлар билан ишлаш бўлиминининг ташкил этилганлиги ҳисобланади.

Руминия олий таълим тизими эса камситишга қарши, тенгликни қўллаб қўйиш, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига асосланган. Ногиронлиги бўлган ва махсус таълимга муҳтож барча талабалар учун тенг шароитлар яратилган. Ҳозирги вақтда Руминияда ногиронлиги бор талаба-ўқувчиларнинг факат кичик қисми бош-

Нималарга эътибор қаратиш даркор?

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг турли даражасига эга қўллаб-қувватлашнинг инклюзив таълим таълим тизимига асосланган, уни жорий этишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълим жараёнининг индивидуаллиги ва мослашувчанлигига эътибор қаратиш;
- таълим хизматларини диверсификация қилиш;
- ногиронлиги бўлган болаларни оиладан узок вақт ажратмасдан ўқитиш имкониятларини кенгайтириш;
- инклюзив таълимда ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Бу борадаги устувор йўналишларнинг амалий ижроси, инклюзив таълим алгоритмининг барча босқичи учун бирдек амал қилади. Хусусан, мазкур йўналишда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа вақт оралиғида университетда "сурдо" таржима асосида тайёрланган 10 та видеомаъруза тайёрланиб, университетга онлайн платформа тизими ва "YouTube" каналлари жойланди. Шу билан бир қаторда, кўзи оқсилар учун овозли маърузалар ва Брайль алифбоси асосидаги дарсликларни тайёрлаш тизими доирасида мунтазам фаолият олиб боришмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида таълим соҳасидан олинган даромадларнинг қутилмавий характерга эга эканлиги ҳисобга олинса, инклюзив таълим ривожини давлат

- таълим тизимини қўллаб-қувватлашнинг асосларини ўрганиш;
- инклюзив таълим тизимини жорий қилиш тамойилларини таҳлил қилиш;
- ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш борасидаги назарий, амалий ва ҳуқуқий аҳолини ўрганиш;
- инклюзив ўқув муассасаларининг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- ўқитувчининг иш фаолияти ва мақсади билан таништириш;
- инклюзив таълим муассасаларининг ҳодимлари вазифалари билан таништириш;
- мутахассисларнинг ота-оналар билан ҳамкорлигини йўлга қўйганлик даражасини аниқлаш;
- инклюзив таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохотларни ўрганиш;
- мазкур ўқувга жалб қилиш босқичларини, амалиётга жорий этиш йўллариини ўрганиш, иш таърибаларини таҳлил қилиш.

Инклюзив таълим ўқувчиларни жамиятдан ажратиб қўймайди. Улар олган кўникмаларини умумлаштириш имконига эга бўлишади. Оила — болалар босқачи — мактаб — касб-ҳунар коллежи — олий таълим — иш билан таъминлаш тизими келажақда ота-оналарга имконияти чекланган ўқувчиларни умумтаълим муассасалари ва олий ўқув юртларига бемалол, ҳафсирамасдан олиб келишлари учун замин яратди.

Қўнғиротбой ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

СЕРКҮЁШ ЗАМИНДАН «ОЛОВЛАР ЎЛКАСИ»ГА...

Инсон ўзи учун энг азиз нарсалар қадрини уларни йўқотганида билади. Саломатлик қадри беморликда, тинчлик қадри тунлари “Эртага соғ-омон уйғонармиканман?!” дея минг ҳадик ва хавотирда ётишга бош қўйганда яққол ҳис этилади. Киши кўкни тунд, қора булутлар қоплаб олганида мусаффо, мовий осмонни, атрофни зулмат чулғаганда ёруғлики кўмсайди.

Она Ватаннинг сўз билан таърифлаб бўлмас соғинчи хоригда юрганингизда бутун вужудингизни ўртаган экан. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Озарбайжонга уюштирилган сафар давомида ана шундай туйғуларни кечирдик.

Таассурот

Вакцина — нажот

“Тошкент” халқро аэропортидан баландликка кўтарилган самолётимиз ҳаво кенгликларини шиддат билан ёриб, Туркиянинг йирик шаҳарларидан бири Истанбул томон учди. Глобал пандемия тугдирган мурракб шароитлар тўғрисида Тошкент Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрига тўғридан-тўғри рейслар бекор қилинган экан. Дарҳақиқат, бу коронавирус аталмиш “куринмас оғу” ҳаёт тарзини, тартиботларини бутунлай ўзгартириб юборди. Жаҳоннинг манаман деган қудратли давлатларини ҳам танг аҳволда қолдирди. Кишилар қалбида тахлика уйғотди, таллоқ етказилган белини бўкиб қўйди. Бир сўз билан айтганда, йўғонлар қўзилди, ингичкалар узилди...

Пандемиянинг аянчли асоратлари самолётда ҳам яққол сезилиб турибди. Ҳамма тиббий ноблар таққан, имкон қадар ижтимоий масофа сақланган. Бири-бириндан лоблар спорадессалар ҳар замон самолёт бортини айланиб, йўловчиларга санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишни эслатиб кетади. Ҳар бир ўриндик орти қисмига ўрнатилган мониторларда тез-тез тиббий хавфсизлик тартиб-қоидаларига оид видеороликлар намойиш этилади.

Истанбул ҳаво бандаргоҳига тонги соат 7 да қўндик. Энди бу ердан Боку томон парвоз қилишимиз керак эди. Йўловчиларни уюққа қараётган блокка борас, фақат коронавирусга қарши эмланганларингизга ўтказишга эришамиз. Биз шу вақтга қадар вакцинанинг 1-турини олганимиз боис ҳали махсус сертификат эга эмас эдик. Аэропорт ходими қани энди буни ташуна... Журналистлигимизни айтдик, Бокуда бизни кутишгаётганини билдирдик. Барчаси беҳуда. Бегона юрт. Муосиримиз. Тартиб эса қатъий: самолётга фақат вакцина олганларингизга чиқарилади.

Оқри Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши томонидан юборилган хатни қўрсатиб, аэропорт раҳбари билан учраштиришни сўрадик. Хизмат ходими кутиб туришимизни айтиб, қаёққадир кетди. Самолётга эса аллақачон чиқиб бошланган. Карнайлардан йўловчиларни чорлаб, уюқнинг тез орада ҳавога кўтарилиши бот-бот эълон қилинади. Ҳамкасблар бир-биримизга қараймиз. Ҳаммамнинг нигоҳида иложсизлик котиб қолган. Бир зум “Уз вақтида вакцина олмаганимиз сафаримизни барбод қилмас эди”, деган гўлгула қўнглимизни чулғаб олди. Хайриятки, бир одам сўнг боғи ходим қайтиб келди. Озарбайжон томони рўхсат берганини аниқлаган, шекилли, ҳартуғул, бизни қўйиб юборди. Шошилиб, уюққа чиқиб олдик. Фураст ўтмай, самолёт ҳаракатланиб, кўкка ўрлади... Йўл бўйи шериклар билан вакцина бугун нажот манбаи эканлиги ҳақида сўхбатлашиб кетдик.

Ҳазар бўйларида юртим нафаси

Пресс-турда қатнашни учун Ўзбекистон, Қозғистон, Туркия, Қирғизистон, Озарбайжон ҳамда Туркий кенгашга кузатуви мақомидаги Венгриядан журналистлар тақлиф этилган. Кейинчалик сафимизга Болкон мамлакатларидан ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари келиб қўшилди.

Тадбирлар мамлакат пойтахти — Боку шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саяҳатда бошланди. Қўзна ва навқирон кенда она Ватанимизни ёдга солувчи маканлар бисёр. Жумладан, шаҳарда савлат тўкиб турган ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалини, буюк бобоқалонимиз Мирзо Улуғбек номи берилган кўчани, қатор худудларда ўзбек ошхоналари фаолият юритаётганини кўрганда, қалбда ўзгача ҳис-туйғулар жўш уради. Қадимий тарих ва маданият, турфа урф-одатлар, гўзал табиатга эга Озарбайжоннинг туристик салоҳияти юқори. Ҳазар денгизининг оромбахш шабадаларини, зардуштийлик ибодатхоналарининг жозибасини, ажойиб Шарқ таомлари ва аънанавий чойнинг хушбўй худини, кўзна ёдгорликлар, шифобахш бўлоқларнинг тароватини шу ерда учратиши мумкин.

“Озарбайжон” сўзи қадимий форс тилидан таржима қилинганида “Абадий олов мамлақати” деган маънони англатади. Бу бежиз эмас. Чунки бу жой қадим замонлардан бери ёниб турган уюқлари — “атешгоҳ”лари билан машҳур бўлиб, мозида ёнган оловлар ҳали ҳам ловуллаб турибди. Бу мазкур заминда оловга синиши дини — зардуштийлик кент тарқалганидан далolat беради.

Қолаверса, мамлакат нефтга бой. Йўл бўйларида оддий аҳоли ҳам оилавий тадбиркорлик асосида ушбу қимматли маъданни қазиб олаётганини кўриб, ҳайратландик. Боку бутун том маънода мегаполисга айланган. Мезбонларнинг айтишича, шаҳардаги муаззам иншоотлар, осмонлар тураржий бинолари, мейморий ечимлари ноб, бир-бирини тақорламайдиган гўзал саройлар, маданият ва таълим маканлари, асосан, кейинги йилгима йилда қурилади. Шаҳарнинг қайси худудига борманг, юксакка бўй чўзган уч бино — “Flame towers” кўзга ташланади. Инглиз тилидан “Олов миноралари”

маъносини англатувчи шаҳардаги ушбу энг баланд мажмуа ростдан ҳам олисдан кўкка ўрлаётган алангани ёдга солади. Бинолар тўлиқ LED-чироклар билан қопланган бўлиб, у тунда давлат байроғи рангларига шуъла таратиб туради.

Бокудаги энг гўзал маканлардан бири — Ҳайдар Алиев марказидир. Денгиз бўйида бунёд этилган ушбу иншоот зоҳиран оппоқ чифақоқ шаклида. Озарбайжонни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиққан Президент, халқнинг буюк етакчиси, фахри Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти, фаолияти, шунингдек, қадимий тарих, миллий қадрият ва аънаналарни акс эттирган экспонатлар жамланган марказ замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда фаолият юритади. Дарвоқе, марказ биноси 2014 йилда дунёдаги энг гўзал иншоот сифатида тан олинган ва “Design of the Year” мукофотига лойиқ қўрилган.

“Ичери шаҳар” мажмуасига қилинган саяҳат унутилмас таассуротларга бой бўлди. Махмуа Озарбайжон давлатчилигининг ўрта асрларига тааллуқлидир. Бу ерда Ширвоншоҳлар, Оқуюнлилар, Қорақуюнлилар, Темурийлар, Сафавийлар, Афшарлар ҳамда бошқа кўлаб сулоалар даврида бунёд этилган қадимий мейморчилик обидалари, музейлар, масжиду миноралар, карвонсаройлар шони ўтмишдан сўзлайди. Мажмуа Бугунги кунда мамлакатга келадиган сайёҳларнинг энг гўзаву масканига айланган.

Мезбонларнинг маълум қилишича, Бокуда йилнинг тўрт фаслида ҳам туристларни учратиш мумкин. Қадимда Шарқ ва ГАРБИ ўзаро боғланган Буюк Ипақ йўлида жойлашган кенда бугун турк, рус ва форс маданиятлари қўришиб кетган, десак, мулобага эмас.

“Ичери шаҳар”да ҳаммамиз севиб томоша қиладиган “Бриллиант кўл” қатнаси суратга олинган. 1968 йилда асар кинотасмаларга мурҳланган торқуқдаги ҳовли бугун ҳам сақланиб қолган. Бу ерда очилган “Бриллиант кўл” қаҳвахонасида бир стакан чой ичиб, беҳиёр ўзингизни ўша машҳур фильмда роль ижро этаётгандек ҳис қиласиз.

“Ичери шаҳар”даги қадимий обидалардан бири “Бухоро карвонсаройи” деб номланади. Бу ери томоша қилиб, она юртимиз нафасини туйғандек бўлдик. Чунки, ушбу иншоотнинг қурилиши, мейморий қиёфаси, ростдан ҳам, Бухородаги тарихий ёдгорликларни эслатади. Айтишларича, Марказий Осиёдан, хусусан, Бухородан Бокуга келган ёки Европага йўл олган савдогарлар худди шу маканни кўнмигоҳ туйишди. Бу кўзна манзилгоҳ ўзбек ва озар халқлари азалдан нафақат маданий, дипломатик, балки савдо-сотик борасида ҳам муайян алоқалар ўрнатганини исботлайди.

“Бухоро карвонсаройи”да ўз ишбилармонлиги билан Ҳазар бўйларида ҳам из қолдирган аждодларимиз билан фахрландик. Мезбонларнинг бу ҳақда эхтиром билан сўзлашадан дилимиз яйради.

Илдизларимиз туташ, тилимиз, урф-одатларимиз ўхшаш

Чиндан ҳам, озарлар Ўзбекистон ҳақида чекизи мекр-муҳаббат билан гапиршади. Расмий идора ходимини ёки оддий аҳоли вақлими, ким бўлишидан қатъи назор, ўзбекистонлик эканлигини билгач, “Қардешим”,



дея ширинсўхандик қилади. Янгиланаётган Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришларни, Самарқанд, Бухоро, Хива каби афсонавий шаҳарларимизни, дунё тамаддунига бекиёб таъсир кўрсатган мутафаккир аждодларимизни ҳурмат билан тилга олади. — Халқларимизнинг тарихий илдизлари туташ, миллий аънаналаримиз, урф-одатларимиз яқин, тил ва динимиз бир, — дейди Озарбайжон Ёзувчи-ушмаси аъзоси, шоир Акбар Қўшали. — Уюқ тарихдан бўён ўзбек ва озар халқлари маданий ришталарини умумий қадриятлар сифатида эъёозлаб келмоқда. Айтиш лозимки, нафақат ўзбек, балки бутун туркий халқлар ада-

биётининг буюк намояндаси, мутафаккир шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби, илм ва адабиёт ҳомийси ҳазрат Навоий озар халқи фахри Низомий Ганжавий аънаналарини давом эттириб, илк бор туркий тилда “Ҳамса” достонини яратган. Достонларида ҳазрат Низомийни фахр билан тилга олиб, унга чекизи ҳурматини, ихлосини баён этган. Кейинчалик ҳам адабий алоқалар тўхтаб қолмади. Озарбайжон адабиётининг улғу вакилларидан бири Муҳаммад Фузулий Алишер Навоийни ўзига устоз билиб, унга эргашиб, ғазалларига назиралар битди. Қувонарлиси, адабий, маданий алоқаларимиз бугун ҳам бардавом, кейинги йилларда янада ривожланди. Масалан, яқинда Бокуда Алишер Навоий меросини тадқиқ этувчи илмий марказ очилди. Ёзувчи-шоирларимиз, мақомчиларимиз, маданиятимизнинг атоқли намояндалари Ўзбекистонда ўтаётган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб келади. Озарбайжонда ҳам атоқли ўзбек адабиёти вакилларининг ижодий меросига бағишланган илмий-адабий тадбирлар ўтказиш аънанаси айланган.

...Ҳазар денгизи соҳили бўйлаб қурилган улкан хиёбон сокин ва файзли. Бетиним мавжланиб турган поёнсиз денгизнинг майин эканидан ҳузурланасиз. Соҳил бўйида қад ростилаган Гиламчилик музейи мейморий жиҳатдан ноб иншоотлардан бири. Худди ўрналиб турган гилами эслатувчи музей биноси 3 қаватдан иборат. Ушбу маданий даргоҳга ўтган асрнинг 60-йилларида асос солинган бўлиб, 2007 йилда таниқли давлат арбоби Ҳайдар Алиев ташаббуси билан мазкур янги бинога қўчирилган. Бу ерда нафақат мафтункор гиламларнинг турли намуналарини, балки озар халқининг гиламдўзилик аънаналарига хос нафис нақшлар, тасвирлар, орнаментларни томоша қилдик.

Озарбайжон гиламчилиги тайёрланиши бўйича бир неча мактабга бўлинди. Қорабоғ, Габала, Боку мактабларига мансуб гиламлар шаклу шамойили, сифати, нақшларга бойлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Экспонатларнинг катта қисми маҳаллий халқ томонидан музейга совға қилинган бўлса, айримлари Европа коллекционерларидан сотиб олинган.

Айтиш керакики, кўл меҳнатининг ушбу нафис маҳсуллари шакли, безаклари, таровати жиҳатидан ўзбек гиламчилиги намуналарига жуда ўхшаш. Бу ҳам икки қардош

“Бухоро карвонсаройи”да ўз ишбилармонлиги билан Ҳазар бўйларида ҳам из қолдирган аждодларимиз билан фахрландик. Мезбонларнинг бу ҳақда эхтиром билан сўзлашадан дилимиз яйради.

халқнинг тафаккур тарзи, бадийи диди, қадриятлари, турмуш тартиб-таомиллари бир-бирига гоят яқин эканлигиндан нишон. Озарбайжон нафис санъат музейида ҳам бўлдик. Ушбу максадда озар халқининг ўтмиши ва замонавий санъати оид нодир ашёлар сақланмоқда. Тасвирий санъат, кулчилик, хунармандчилик, темирчилик, ҳайкалтарошликка оид асарлар ўша нозик дид билан ишланган. Урта асрларга оид курол-яроғлар, дубулгалар, қалқонлар, соғулар халқнинг ҳарбий санъатини намоян этса, рўзгор буюмлари ўша даврдаги оддий халқнинг турмуш таризидан ҳикоя қилади. Музейдан Франция, Испания, Италия, Нидерландия, Россия ва бошқа давлатлар ижод аҳли яратган санъат намуналари ҳам ўрин олган.

Шу кўни Халқро алоқалар таҳлилий марказида бўлиб, у ерда Озарбайжон Республикаси Президентининг ёрдамчиси — Ташқи сийасат бўлимининг бошлиғи Ҳикмат Хожиев

билан учрашдик. Тадбирда туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари хусусида сўз юритилди. Ҳикмат Хожиев ўзбекистонлик журналистлар билан сўхбатда, жумладан, шундай деди: — Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларини тарихий аънаналар, маданият, тили ва эътиқод уйғунлиги боғлаб туради. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуслари билан ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Айниқса, sanoat, маданият,



фан-таълим, туризм ва бошқа соҳаларда самарали алоқалар йўлга қўйилган. Бундан ташқари, мамлакатларимиз Буюк Ипақ йўлини тиклаш ва ривожлантириш бўйича турли лойиҳаларда иштирок этмоқда. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатларининг ҳамкорлигини янада серқирра қилиш имкониятлари юқори. Бу йўлда журналистларнинг ҳам ёрдамига суюнамиз, албатта. Бундай пресс-турлар эса ижод ахлининг фикр алмушарига, дўстлашувига, бирлашувига хизмат қилиши, шубҳасиз.

ладан, Озарбайжон мақом санъатининг келиб чиқиши шу ер билан боғлиқ. Бу заминда озар халқининг фахри ҳисобланган буюк санъаткорлар, шоирлар, олимлар ва давлат арбоблари етишиб чиққан. Озар халқининг буюк шоири, мутафаккири, давлат арбоби Мулла Панох Воқиф шу ерда яшаб, ижод этган.

Шуша денгиз сатҳидан 1368 метр баландликда жойлашгани учун ҳарбий стратегик шаҳар ҳисобланади. Шу боис ҳам Озарбайжон Куроли Кулчари Шушани эгаллагандан сўнг Арманистон билан ўт-очини тўхташи ҳақида шартнома имзоланган. Афсуски, бу ерда ҳам урушнинг аянчли излари ҳар қадамда кўзга ташланади. Шаҳарда айни пайтда оддий аҳоли яшамайди. Кўп қаватли уйлар, мактаб ва масжидлар кимсасиз аҳволда. Афсусда фақат аскарлар, муҳандислар, қурувчилар қўринад, холос.

Қувонарлиси, бугун Шушада тиклаш ишлари бошланиб кетган. Шаҳарда электр, газ, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда, ижтимоий объектлар таъмирланяпти. Қисқача айтганда, ҳаёт аста-секин изга қаймоқда.

— Ҳўқуматимиз вайронага айланган худудларни яна қайта тиклаш, уруш тўғрисида бу ердаги мажбуран тарқ этган қўнқиларни яна ўз ерларига қайтариш учун улкан бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда, — дейди сийасатшунос Русиф Ҳўсайнов. — Қудратли техникалар тепалиқларни кесиб, янги асфальт йўл қурмоқда. Электр энергияси таъминоти тикламоқда. Ҳадемай, уйлар қайта қурилади, боғу хиёбонлар, мактаблар, масжидлар бунёд этилади. Бунинг учун Озарбайжонда молиявий ресурслар етарли, энг муҳими, халқимизнинг иродаси мустаҳкам, руҳан тайёр, қолаверса, мана шундай қийин дамларда ҳам қардош ва дўст мамлакатлар халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб тургани бизга алоҳида куч бағишлайди.

Шаҳарда қайта тикланган Мулла Панох Воқиф макбарасини зиёрат қилдик. Уруш даврида вайронага айланган макбара биноси шаҳар овоз этилгандан сўнг қайта таъмирланди, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев томонидан очилди. Обод максатга айланган макбарадан катта йўл томон ётқизилган оппоқ мармарлар офтоб нурида ярақлаб қўринад. Худди шу ердан бошланган бунёдкорлик нашидаси атрафга таралаётгандек...

“Ногора товушининг узоғи яхши”

Озарбайжоннинг нуфузи жиҳатидан иккинчи йирки шаҳри ҳисобланган Ганжа шаҳрига оқшом чоғи етиб келдик. Бу шаҳарда озар халқининг буюк мутафаккири, инсониятга, адабиёт оламига “Ҳамса”дек бебаҳо асар тўхта этган Низомий Ганжавий яшаб ўтган. Тор қўчалар, қадимий бино ва иншоотлар, тарихий асориатикалар унинг бой ўтмишидан сўзлайди. Шу билан бирга, баланд қаватли тураржойлар, маъмурий бинолар, равон йўллар, сўлим боғ-роғлар, хиёбонлар, савдо дунқонлари ушбу шаҳар давр билан ҳамнафас яшаётганидан дарак беради.

“Ногора товушининг узоғи яхши”, дейди халқимиз. Лекин урушнинг суруни минглаб чакирим узоқда кўтарилса-да, қалбларга ваҳима солади. Уруш ёққан олов узоқ-узоқлардаги юракларни ҳам қуйдиради. Ганжа шаҳри аҳолиси ҳам чегарадан анча олисда, 250 — 300 километр ичкарида яшаса-да, бу даҳшатли оташга гирфотр этилди. Ҳаёт бир маромада кечаётган ушбу осуда шаҳар ракета ҳужумига учраб, дафъатан гулханлар ичида қолди.

Тоғли Қорабоғ можаросида Ганжа шаҳрига саккизта ракета учирилган экан. Биз, журналистлар ушбу ракетаалардан бири келиб тушган жойини бориб кўрдик. Қанотли ажал иштироҳат болғаридан бирининг чекасига, одамлар яшаётган уйлар устига тушган. Портлаш зарбидан яқин атрофда бирорта уй омон қолмаган, 30 га яқин киши қўрбон бўлган. Ҳаёт ачинарлиси, ёруғ умидлар билан тунда уйкуга кетган оилаларнинг барча аъзоси тонгда кўзини қайта очиммаган. Уларнинг суратлари махсус тахчанга осиб қўйилди. — Ҳў очилган мазкур саккизта нуқтадан бирортаси ҳарбий истеҳком эмас, — дейди Ганжа шаҳар ҳўқимияти ходими Ҳасан Мамедов. — Бу ерда ҳарбий бўлиналар ҳам жойлашмаган. Шунга қарамай, аҳоли яшаيدиган мазкур худудга ракета зарбалари берилди — оддий одамлар оловли чоғга тортилди. Қандай шармандали ва адолатсиз ҳо! Бу билан халқимизнинг қанотини қайирмоқчи, руҳини синдиarmoқчи бўлишди. Бирок улар ниятига етолмадилар. Оғир шариот, таҳликали онларда ҳам маҳаллий аҳоли шаҳарни тарқ этмади, аксинча, янада жиқлашди, курашга бориб бағишлади. Кейинчалик жабр қўрган оилалар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Улар учун зарур инфратузилма яратилиб, янги замонавий шариотларга эга мактаблар, боғчалар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, бошқа турли ижтимоий-маиший объектлар ҳам қўриб берилди. Уйлари вайронага айланган, мол-мулкидан ажралган юртдошларимизга янги уйлар тўхта қилинди, компенсациялар тўлаб берилди. Бу ишларнинг барчаси одамларнинг руҳини кўтарди, қалбларида эртанги кўнга ишонч уйғотди.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг...

Ширкин урушда вайрон этилган Оқтом баҳрига қилган сафаримизда ҳам, Бокудаги Ҳарбий ўлкалар хиёбонига амалга оширган саяҳатимизда ҳам ҳар қандай муҳорабанинг нақадар ноинсонийлиги увувох этган. Тоғли Қорабоғда 44 кун давом этган қонли тўқнашувлар тугаганига бир йил бўлди. Шунча вақт утулган қарамай, бу ваҳшат водийсида ёнган гулханларнинг куллари ҳали совигани йўқ, десак, хато эмас. Фузулий, Жаброил, Оқтом шаҳарларини ҳар қадамда кишини мина ва қурул-яроғлардан эҳтиёт бўлишга чорловчи эслатмаларини қўйилгани, Шушада тунги комендантлик соати жорий қилинган, саёвр ва ҳарбийларнинг жанг кенгаз худудлардан турли портловчи жимжирини топиб, зарарсизлантираётгани фикримизни тасдиқлайди.

Уруш олдми ўчирилди, тинчлик уюви кўтарилган, икки томон келишувга эришиб, осоийшталмида ҳам ҳар қандай муҳорабанинг нақадар ноинсонийлиги увувох этган. Тоғли Қорабоғда 44 кун давом этган қонли тўқнашувлар тугаганига бир йил бўлди. Шунча вақт утулган қарамай, бу ваҳшат водийсида ёнган гулханларнинг куллари ҳали совигани йўқ, десак, хато эмас. Фузулий, Жаброил, Оқтом шаҳарларини ҳар қадамда кишини мина ва қурул-яроғлардан эҳтиёт бўлишга чорловчи эслатмаларини қўйилгани, Шушада тунги комендантлик соати жорий қилинган, саёвр ва ҳарбийларнинг жанг кенгаз худудлардан турли портловчи жимжирини топиб, зарарсизлантираётгани фикримизни тасдиқлайди.

...Сафаримиз аяқланиб, уйга — она юртимизга қайтарканмиз, делегация аъзоларининг ҳар бирини сўз билан ифодалаб бўлмас кўчи ҳаяжон сезилиб турарди. Ҳеч ким бу ҳақда гапирмас эди: нигоҳимизда Ватан соғини, дўсту яқинлар дийдорини кўмсаш ва яна бир улғу ҳис — тинчлик-осудалик қадрининг теран англами зухур топганди. Буз ўтирган уюқ ҳаво кенгликларда сузиб торганди. Пастда ястанган бепанон Қора денгиз мовий марвариддек ялтйрайдди. Лоқувард осмон гўё кўйида аксланиб тургандек... Қарийб беш соатлик парвоздан сўнг самолёт тўда-тўда булутларни ёриб ўтид-ю офтобнинг заррин нурларига беланди. Бахридилимиз очилиб кетди, серкўёш заминимизда қадам қўйдик...

Дишлод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

Тошкент — Боку — Тоғли Қорабоғ — Тошкент

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code. Text: 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', '2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.', 'ТАЛЕФОНЛАР: Девоихона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.', 'Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.', 'Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиш — Ш. Машраббев.', '“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6'